



Сирдарё вилоятининг Оқолтин районидаги «Фарғона» давлат хўжалиги пахтазорларида йиғим-терим авжида. Беллашувда 8-бригада пешқадамлик қилмоқда. Бу жамоа ҳар куни қабул пунктига режага нисбатан 4—5 фоиз миқдорида оқ олтин топширяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Кўпмингкилограммчилар А. Қипчоқова ва Н. Шарипова. 2. Ишчи Исмат Абдукаримов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

# КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент олий партия мактабининг партия, совет ва мафкура ходимлари малакасини ошириш факультетида Ўзбекистон ва Туркманистон Компартиялари шаҳар ва район ташкилотлари назорат-тафтиш комиссиялари раисларининг икки ҳафталик ўқуви тугади.

Тингловчиларнинг диққат-эътибори марксизм-ленинизмнинг долзарб масалаларини, жамиятни демократиялаш ва кўп партиялилик шароитида КПССнинг тутган мавқеи ва ўрни, КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик, социализм сари» дастурий баёноти ва КПССнинг янги Уставидаги назарий жиҳатлар ва сиёсий вазифаларни ўрганишга қаратилди.

Машғулотлар жараёнида сиёсий системани қайта қуришнинг қандай бораётганлиги, мамлакатда барча даражадаги халқ депутатлари Советлари тўла ҳокимиятини таъминлаш йўллари, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масалалари, КПССни янгилаш ва партия ички турмушини демократиялашнинг аҳволи ҳамда йўналишлари таҳлил қилинди.

XXVIII съездда қабул қилинган қарорга ва КПССнинг янги Уставига мувофиқ партияда тузилган назорат-тафтиш комиссияларининг мақсадлари, вазифалари, ҳуқуқлари ва ишлари батафсил кўриб чиқилди.

Амалий машғулотларда, давра суҳбати учрашувлари чоғида, мунозаралар ва суҳбатлар давомида бозор иқтисодиёти шароитида молия-кредит системасининг долзарб масалалари, миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия, социалистик қонунийликни, ҳуқуқтартиботни ва давлат хавфсизлигини мустаҳкамлаш муаммолари ва бу ишларни яхшилаш йўллари муҳокама қилинди. Қайта қуришни чуқурлаштиришда, Ўзбекистоннинг чет давлатлар ва фирмалар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда бошланғич партия ташкилотларига, меҳнат жамоаларига амалий ёрдамни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Сайёр машғулотлар ўтказилди, уларда тингловчилар Тошкент вилоятининг Коммунистик, Оржоникидзе районларида, Тошкент шаҳрининг Ленин ва Собир Раҳимов районларида партия ташкилотларида назорат-тафтиш ишини қайта қуриш тажрибаси билан танишдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида эса халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш тажрибасини ўргандилар.

Тингловчилар ҳузурида КПСС Марказий назорат комиссияси ҳайъатининг аъзоси, Ўзбекистон Компартиясининг Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳайъатининг аъзоси Н. А. Муҳиддинов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси диншунослик ва даҳрийлик институтининг профессори А. И. Ионова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг масъул ходимлари, жумҳурият бир қанча министрликлари ва идораларининг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

*Диққат: муаммо!*

# КИМНИНГ БОЙЛИГИ

Ҳар қандай қишлоқ оиласи учун пахта териш ҳатто аввалги, унга анча кам ҳақ тўланадиган вақтларда ҳам фойдали бўлган.

— Энди эса бутунлай яхши бўлди, — дейди Норин районидаги «Пахтакор» колхозининг теримчиси Холисхон Султонова. — Илгари бутун йил мобайнида топган даромадимизни биргина йиғим-терим мавсумида олиш мумкин.

Албатта, бунинг учун ҳаракат қилиш керак. Холисхоннинг ўзи кунига ўрта ҳисобда 70—80 сўмдан ишлаб топяпти. Албатта, бунда унга болалари ҳам ёрдам беришяпти. Лекин гап фақат шундами, ахир ҳар биримиз ўз фарзандимизни меҳнатсевар қилиб тарбиялашга интиламиз-ку.

Шундай қилиб десангиз, пахтакорлар меҳнатига муносиб ҳақ тўланмоқда. Терилган бир килограмм хом ашё учун тўланадиган ҳақ ҳар қачонгидан ҳам юқори. Лекин, афсуски, бундай имконинтдан қишлоқдаги ҳамма аҳоли ҳам фойдаланиш имкониятига эга эмас. Гап шундаки, ҳозир пахта теришга одамларни четдан жалб этиш хўжаликка фойдали эмас. Бундан қувонса бўларди. Лекин хўжалик ҳудудида жойлашган қишлоқларнинг колхозга аъзо бўлмаган аҳолиси ҳам «жалб этиладиганлар» рўйхатига кириб қолганлиги ажабланарли. Булар асосан мактабларни битирган ёшлар, кўп болали оналардир. Уларнинг кўпчилиги учун пахта теримида қатнашиш оила жамғармасини тўлдиришнинг бирдан-бир имкониятидир.

Карим Мирзакамолов бригадаси далаларида мўл пахта ҳосили етиштирилди — териб улгурсанг. бўлгани. Далада эса атиги қирқ киши: бригада аъзоларининг ҳаммаси ва уларнинг оила аъзолари ишлашмоқда. Кишида ўз-ўзидан шубҳа туғилади. Бундай йўл билан терим суръатлари сунъий равишда орқага сурилмаётганмикан? Ўз шахсий манфаатини кўзлаш натижасида бутун ҳосил тақдири хавф остида қолмасмикан?

— Йўқ, ундай эмас, — фикримизга қўшилмади бригадир. — Бутун мавсумда пахтани ўзимиз парваришлаймиз, бинобарин ҳамма фойдани ҳам ўзимиз олишимиз керак. Боз устига бизда қўл терими унча узоқ давом этмайди. Машиналардан фойдаланиш анча наф келтиради — арзонга тушади.

Бу фикрга эътироз билдириш қийин: тўғри гап. Ким ишлаган бўлса, пул ҳам ўшаники. Бунинг устига бу пулларни колхозчилар, очиғини айтадиган бўлсак, жуда оғир шароитда ишлаб топишади. Мана неча ой бўлдики, кир совун йўқ. Калиш деган нарсани кундуз куни чироқ ёқиб ҳам топа олмайсан. Ун, гуручни ҳам келтиришлари қийин бўлиб қолди, гоҳида бор, гоҳида йўқ. Жумҳуриятимизнинг асосий қишлоқ хўжалик экинини етиштираётган кишиларга шундай муносабатда бўлиш ўринлими?

Колхозчилар ҳозир қанчалик машаққатли кун кечирмасинлар, аҳоли ғуж яшайдиган бундай жойларда улардан ҳам оғирроқ турмуш кечираётганлар бор. Улар муайян сабабларга кўра колхозларга аъзо бўлиша олмаган.

Чунончи, уч қишлоқнинг қарийб ўн минг кишилик аҳолисидан атиги 400 нафари колхозчилардир. Қишлоқ кишиларининг кўпчилиги ишлаш учун шаҳарга қатнайди — яхшиямки, вилоят маркази унча узоқ эмас. Хўш, энди айтингчи, имконияти бўлмаган кишилар нима қилишлари керак?

— Қолган аҳолини машина терими тугаши билан пахта теримига жалб қиламиз, — дейди колхоз раиси Т. Олимов. — Буни аввалроқ бошлашнинг ҳеч иложи йўқ. Нима қилай? — дейди у елкасини қисиб. — Одамлар ўзларига тегишли пулни олишларига ким ҳам монелик қиларди?

Ҳаммаси тўғри, лекин бошқаларни, колхоз аъзолари, совхоз ишчилари бўла олмаганларни ҳам унутмаслик керак. Боз устига, Нориндаги колхозларнинг бирида рўй берган вазият умуман район ва вилоятнинг бошқа хўжаликларига ҳам хосдир. Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон сингари районларда ҳам шундай ҳол рўй бермоқда. Энди ўзингиз айтинг: агар пахта бойликка айлангудек бўлса, у айрим кишилар учунгина бойлик бўлиб қолмасмикан?

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**ЎзТАГ мухбири.**

# ПИРОВАРД НАТИЖА— СИФАТЛИ ТОЛА

Жалолқудуқ районидаги Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводининг жамоаси 1990 йилда 32 минг 744 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёсини қабул қилиб олиб, қайта ишлашни режалаштирган. Корхона ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари янги мавсумга тайёргарлик ишларини ёз ойларида даладан бошлашганди. Улар барча хўжаликларда бўлиб, деҳқонлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишди. Пахтакорларга сифатли хом ашё топширишнинг афзалликлари тушунтирилди. Хўжаликларнинг вакиллари заводга тўпланиб, малака ошириш курсларига жалб этилди. Мутахассисларга пахтани қабул қилишнинг янги ГОСТ талаблари ўргатилди. Амалга оширилган ана шу тадбирлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Заводга дастлабки кундан бошлаб қуруқ ва тоза хом ашё келтирилаётир.

Сўфиқишлоқлик пахта тозаловчилар иқтисодийислоҳот шароитида ўзига хос тажриба тўплашди. Уларнинг изланишлари «Андижонхлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан оммалаштирилаётир. Бу ерда йил бошидан бери бир неча марта вилоят миқёсида тажриба алмашиш юзасидан кўрик ўтказилди.

— 1989 йил ҳосилини қайта ишлаш кўрсаткичлари қувончли бўлди, — дейди завод директори Қаҳрамон Абдураҳмонов. — 32 минг 372 тонна хом ашёдан 9 минг 664 тонна тола ишлаб чиқарилди. Маҳсулотнинг сифатига сира ҳам эътироз билдирилмади. Район деҳқонларига 27 миллион сўмдан кўпроқ пул ўтказиб бердик. Бу 1988 йил ҳосилига нисбатан ўн миллион сўм кўпдир.

Ҳа, саноатчилар кейинги йилларда муваффақиятли ишлашяпти. Чунки улар техника тараққиётини жадаллаштиришга диққат билан қарашаётир. Жумладан, «ДП-130», «1-ВП» маркали 6 та тола ажратиш ва тозалаш дастгоҳлари ўрнатилди. Пахта тозалаш цехи таъмирланди. 1 миллион 300 минг ўрнига 1 миллион 584 минг сўм даромад олинди. Шу маблағ ҳисобига ишлаб чиқариш янада ривожлантирилиб, инсон омилига эътибор кучайтирилмоқда. Масалан, 1990 йилда эскирган дастгоҳлар ўрнига «ТЖ-1,5» маркали бешта пахта қуритиш мосламаси, «Меҳнат» маркали учта тозалаш машинаси ўрнатилди. Бош корхонада момиқни зичлаб тойлаш цехи ишга туширилди. Бир сўз билан айтганда, саноатчилар янги мавсумга тайёргарлик даврида мавжуд техника воситаларини созлашга 128 минг сўм сарфлашди. Эндиликда маҳсулотларнинг сифати сезиларли даражада яхшиланади.

Маълумки, пахта тозалаш заводи асосан 8—9 ой ишлайди. Чунки қабул қилиб олинган хом ашё шу даврда қайта ишлаб бўлинади. Бу ҳолат қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Биринчидан, айрим тажрибали ишчи ва хизматчилар бошқа корхоналарга ишга киришга мажбур бўлишади. Қолган кишилар ҳисобига ишсизларнинг сони ортади. Иккинчидан, корхона ва қабул пунктларидаги мавжуд ишлаб чиқариш воситалари бекор туради. Завод жамоаси йиғим-терим мавсумида ва қиш пайтида зўриқиш билан ишлайди. Ҳатто баъзи корхоналарда мавсум чоғида ишчи кучи етмасдан колхозчиларни ҳам заводга жалб қиладилар. Ваҳоланки, улар корхонада хавфсизликка тўла риоя этмайдилар ва натижада кўнгилсизликлар келиб чиқади.

Биз ҳикоя қилаётган корхонада юқоридагидек муаммоларни бартараф этишнинг чора-тадбирлари кўрилаётир. 1989 йилнинг ёзида заводдан унча узоқ бўлмаган Ёмонадирда ғишт цехи ишга туширилди. Бу ерда қисқа муддатда 200 минг дона маҳсулот тайёрланиб, жамоа аъзоларига сотилди. Шу тариқа уй-жой қурувчиларга амалий ёрдам кўрсатилди. Бош корхонада тикув ва эски пахтани титиш цехлари қурилди. Натижада юзга яқин киши иш билан таъминланди. Улар савдода тақчил бўлаётган кенг истеъмол молларини тайёрлашаяпти. Келгусида бундай цехлар қуввати оширилиб, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан янада унумлироқ фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Корхона маъмурияти ва жамоа ташкилотлари томонидан мавсумни соз ўтказишнинг чора-тадбирлари кўрилган. Унумли меҳнат қилиш, яхши дам олиш учун зарур шарт-шароит яратилди. Мавсум олдидан заводга қарашли санаторий-профилакторийда юздан ортиқ кишининг дам олиши ташкил этилди. Ҳордиқ чиқариш маскани Ёмонадирда қурилган бўлиб, шифобахш сув, терапевтик асбоб-ускуна ва даволаш физкультураси ёрдамида иш кўрилади. У ерда ўн гектардан ортиқ боғ бўлиб, об-ҳавоси салқин, хушманзара жойдир. Заводда ошхона, чойхоналар ишлаб турибди. Комплекс дам олиш хонаси ва финча ҳаммом барчага маъқул бўлмоқда.

Ишлаб чиқаришдаги айрим муаммолар бартараф этилса, муваффақиятлар янада салмоқли бўлур эди. Масалан, иқтисодий ислоҳотга тааллуқли бир масалани олайлик. Завод маҳсулотининг 60 фоизи чет элларга юборилиб, эвазига валюта ишланаётир. Бироқ бу маблағ завод жамоасига тўла берилмаётир. Ваҳоланки, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонунда корхоналар мустақил ҳаракат қилиши кераклиги таъкидланган. Бундай масалалар изчил ҳал этилади ва Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводининг ютуқлари янада кўпаяди, деб ўйлаймиз.

**С. АБДУРАҲИМОВ,**
**Тошкент Олий партия мактабининг тингловчиси.**

# ХУШХАБАРЛАР

## ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ҚАРАМАЙ

«Узбитхим» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари ускуналарни планли равишда капитал ремонт қилишни муддатидан бир ҳафта илгари тугатдилар. Бунинг ҳисобига планга қўшимча равишда 500 тоннага яқин синтетик кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг йиллик топшириғи ниҳоятда катта — улар 28 минг тонна кир ювадиган кукун тайёрлаб беришлари керак. Техника ўз муддатини ўтаб бўлганини ҳисобга олсак, тошкентлик кимёгарлар бозорда ана шу мол тақчиллигини бартараф этиш учун мумкин бўлган барча ишларни қилдилар.

Жамоанинг тиним билмай ғайрат билан ишлаши фақат план кўрсаткичларига эмас, айни вақтда ишлаб топиладиган фойдага ҳам таъсир этди. Ҳозирдаёқ миллион сўмликдан кўпроқ фойда олинди. Бу пуллар корхона ходимлари учун уй-жой қурилишига сарфланади, завод ошхонасидаги тушликлар ҳақи қисман қопланади, кооператив квартираларга бериладиган аъзолик бадалларига сарфланади.

## ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИ

Ангрен тикувчилик фабрикасининг комиссияси кооператор қурувчилардан икки қаватли ишлаб чиқариш биносини юқори баҳо билан қабул қилиб олди.

Кенг ва ёруғ бинода бичиқчилик ва тикувчилик цехлари, тайёр маҳсулот омборлари жойлашади. Хоналар ҳавони шамоллатишнинг замонавий системаси билан жиҳозланган, пардозлаш ишларида овозни ютувчи материаллардан фойдаланилган.

Ангрен тикувчилари яқинякингача ноқулай, мослаштирилган биноларда тиқилишиб меҳнат қилишарди. Меҳнат шароити, эскирган ускуналар юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон бермасди. Энди аёлларнинг бозорда рақобат қила оладиган хилма-хил буюмларини ишлаб чиқара бошладилар. Шу мақсадда юқори унумли бичувчи ва тикувчи машиналар сотиб олинди, кийим-кечакларнинг янги-янги хиллари кўплаб ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда.

Янги ишлаб чиқариш биносининг смета нархи 715 минг сўм туради. Кооператорлар ана шу маблағлардан фойдаланиб, уни қуриб беришга муваффақ бўлдилар. Дарвоқе, бу пуллар янги қурилишга жамоа фойдасидан олинган эди. Энди сарф-харажатларни қоплаш, юқори рентабелликка эришиш учун ғайрат билан ишлаш керак.

# ОЛАМДА НИМА ГАП

## СЎНГГИ СОАТДА

ПРАГА. Чехословакияда янги пул чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. ЧТК агентлигининг таъкидлашича, янги қоғоз пулни безатишнинг ғоявий мазмуни чехлар ва словакларнинг ўзаро иттифоқи тимсоли бўлган ягона, бир бутун мавзуга бирлаштирилиши керак.

Чехословакияда сиёсий ўзгаришлар бошланганидан бери қарийб бир йил ўтганига қарамай, муомалада ҳамон аввалги режим рамзи туширилган пуллар юрибди. Аввало, Клемент Готвальд расми туширилган юз кроналик қоғоз пул ўзгартирилади. Бу пул фақат йил охиригача муомалада бўлади. ЧСФР давлат банки ҳозирдаёқ янги мавзуларда тайёрланган 500 та қоралама олди. Рассомларнинг кўпчилиги юз кроналик қоғоз пулга Т. Г. Масарик ва қирол Карел тўртинчининг расми туширилишини таклиф этишмоқда. Кейинроқ бошқа қоғоз пуллар ҳам аста-секин алмаштирилади.

Ҳозир Чехословакияда 318 миллион кронага яқин қоғоз пул, шу жумладан 90 миллион юз кроналик қоғоз пул муомалада юрибди. Энг юқори қиймати 5 крона бўлган 2,8 миллиард дона тангадан ҳам фойдаланилмоқда. 28 октябргача президент Масарик тасвири туширилган 10 кроналик тангаларни зарбдан чиқариш мўлжалланмоқда.

* * *

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар Ироққа нисбатан қўлланилган иқтисодий жазо чоралари охир оқибатда Форс кўрфазида рўй берган ҳозирги тангликни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беришига ҳали ҳам умид қилмоқдалар, деди президент Жорж Буш жума куни шаҳар ташқарисидаги Кэмп-Дэвид президент қароргоҳига дам олиш учун жўнаб кетиш арафасида Оқ уйда журналистлар гуруҳи билан қилган суҳбатида.

Суҳбат чоғида Буш шундай деди: «Мени Ироқнинг Қувайтга, Қувайт халқига, янада кенг маънода оладиган бўлсак, Америка ва бошқа мамлакатларнинг фуқароларига нисбатан амалга ошираётган ишлари тобора кўпроқ ташвишга солмоқда». У «Ироқнинг террорчиликни қўллаб-қувватлаётганлиги оғир оқибатларга олиб келишини» ҳам таъкидлади.

«Сизнинг бу огоҳлантиришингиз Қўшма Штатларнинг Ироқ билан можарога янада яқинлашиб қолганлигини билдирадими?», деб сўради журналистларнинг бири.

«Йўқ, — деб жавоб берди президент. — Мен бундай таассурот ҳосил қилишни хоҳламайман... Мен муаммони тинч йўл билан ҳал этишга интиламан. Иқтисодий жазо чоралари таъсир кўрсата бошлаши учун қандайдир муддат талаб этилади. Қанча вақт зарурлигини билмайману, лекин биз улар самарали бўлишини хоҳлаймиз».

* * *

НЬЮ-ЙОРК. «Улар мен президентни ўлдиришимни хоҳлашяпти... Улар президент Қўшма Штатлар учун хавф солаётганлигини айтишяпти». Бу, маълум бўлишича, техаслик полициячи Роско Уайтга тегишли кундаликдаги ёзувлардан олинган. Бу ерда гап 1963 йилнинг 22 ноябрида Техас штатининг Даллас шаҳрида отиб ўлдирилган президент Жон Фицжеральд Кеннеди ҳақида кетяпти.

Расмий текширув натижаларига қараганда, Кеннедини ёлғиз ўзи ҳаракат қилган Ли Харви Освальд ўлдирган эди. Лекин аввалбошданоқ Америка Қўшма Штатларидаги кўпгина мутахассислар бу хулосага қўшилмай келишди. Улар президент пухта тайёрланган сиёсий фитнанинг қурбони бўлганига ишончлари комил. «Аср жинояти»ни очиш калитини мустақил қидираётганларнинг бири мустақил терговчи Жо Вест Р. Уайтнинг кундалик ёзувлари нусхалари билан журналистларни таништирди. Ундан полициячи Марказий разведка бошқармаси режалаштирган яширин операцияда жаллод ролини ўйнаган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Ж. Вестнинг сўзларига қараганда, кундаликни Р. Уайтнинг беваси яқинда топиб олган. Р. Уайт 1971 йили сирли бир ҳолатда Мидленд (Техас штати)даги уйининг гаражида ёнғин чиққан вақтда ҳалок бўлган эди. Жинива Уайт ўлим тўшагида ётганлиги ва қолган саноқли кунларидан ҳақиқатни аниқлашда фойдаланишни хоҳлаётганлиги сабабли ушбу ҳужжатдан нусҳа кўчирилишига розилик берди, —деди хусусий терговчи. Айтишларига қараганда, унга асил ёзув сақланаётган жой ҳам маълум, лекин у буни ошкор қилмаслик мажбуриятини бўйнига олган.

(ТАСС).

# ҲАФТАНИНГ АСОСИЙ ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАРИ

### 25 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

**СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе раислигида БМТ Хавфсизлик кенгашининг «Ироқ-Қувайт вазияти»ни кўриб чиқишга доир ташқи ишлар вазирлари иштирокидаги мажлиси бўлиб ўтади. Ироққа қарши жазо чораларини кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши кутилмоқда.**

* * *

**Вашингтонда жаҳон банки билан халқаро валюта фондининг сессияси очилади.**

* * *

**Массачусетс штатидаги Бостон шаҳрида Америкадаги дастлабки газета — «Паблик оккеренсиз форин энд доместик» газетаси чиққан кунга 300 йил тўлиши нишонланади.**

* * *

**Парижда Ф. Миттеран раислигида «Европадаги Германия — янги қиёфа, янги давлат, янги ташаббуслар» мавзусида халқаро конференция очилади.**

* * *

**Индуизм ақидачилари ташкилотининг ташаббуси билан Бхаратия жаната партии миллатпарвар партияси иштирокида Ҳиндистоннинг ўнта штати бўйлаб юриш бошланади. Бу юриш октябрь ойининг охирларида Айодхья шаҳрида тугалланади. Бу ерда Бобур масжиди ўрнида Рама маъбудаси эҳромига пойдевор қўйиш маросимини ўтказиш мўлжалланган.**

### 26 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

**Ғарбий Берлинда социал-демократларнинг ГДР билан ГФР Германия социал-демократик партиялари иштирокидаги бирлашиш съезди очилади.**

* * *

**СССР ҳукумати БМТга туҳфа қилган «Эзгулик ёвузлик устидан ғолиб чиқади» ёдгорлик ҳайкалини топшириш маросими бўлиб ўтади.**

* * *

**Страсбургда Европа кенгашининг мажлиси очилади. Европадаги хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммолари, Форс кўрфазидаги танглик муҳокама қилинади.**

* * *

**Венада Австрия ташқи ишлар министри А. Мокнинг журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтади. Бу учрашув Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида қатнашган давлатлар ташқи ишлар министрларининг 1—2 октябрь кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган учрашувига бағишланади.**

### 27 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

**Варшавада Польша сейми ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, собиқ Польша бирлашган ишчи партиясининг мол-мулкини давлатга топшириш тартибини кўриб чиқишга киришади.**

* * *

**Жоржия штатидаги Атланта шаҳрида спидга қарши кураш муаммоларига бағишланган уч кунлик халқаро конференция очилади .**

* * *

**Лондонда И. Бродский, Ч. Милош ва бошқалар иштирокида халқаро назм фестивали бошланади. Фестиваль 6 октябрга қадар давом этади.**

* * *

**Европадаги оддий қуролли кучларга бағишланган Вена музокараларининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтади.**

* * *

**Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги фермерлар билан бой деҳқонлар бирлашмалари Мандала комиссиясининг аҳоли қолоқ табақалари вакиллари учун иш жойларини сақлаб туриш тўғрисидаги тавсияларини амалга ошириш борасидаги ҳукумат режаларига қарши норозилик белгиси сифатида Деҳлини қамал қилишни бошлаш ниятидадир. Намойишларнинг қатнашчилари пойтахтга кундалик зарур маҳсулотлар етказиб берилишига тўсқинлик қилишади.**

* * *

**Жаҳон туризм ташкилотининг қарорига биноан Жаҳон туризми куни нишонланади.**

### 28 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

**Берлинда ГДР халқ палатасининг махсус мажлиси бўлиб ўтади. Унда давлат хавфсизлиги министрлигини тугатиш тўғрисидаги ҳисобот тингланади.**

* * *

**ГДР христиан-демократия, уюшмасининг 17-фавқулодда съезди очилади.**

* * *

**БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлган беш давлат ташқи ишлар министрлари БМТ Бош котиби Х. Перес де Куэльяр билан учрашишни режалаштиришмоқда.**

* * *

**Деҳлида меҳнат қонунлари муаммолари юзасидан халқаро семинар очилади.**

* * *

**Япония Бош министри Тосики Кайфу чет элга жўнаб кетади, 12 кунлик сафар давомида у АҚШда ва Яқин Шарқдаги 5 мамлакатда бўлади.**

### 29 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

**БМТ қароргоҳида болалар манфаатларига бағишланган олий даражадаги халқаро учрашув очилади. Учрашувда 70 га яқин давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирок этади.**

* * *

**Нюрнбергда озод демократик партиянинг икки кунлик навбатдаги съезди бўлиб ўтади.**

(ТАСС).

# ПОЛЬША СЕЙМИНИНГ ҚАРОРИ

ВАРШАВА. Польшада муддатидан илгари ялпи президент сайлови шу йилнинг декабридан кечикмай ўтказилиши керак. Польша жумҳурияти сейминииг мажлисида шундай қарор қабул қилинди. Польша парламенти қуйи палатасининг кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорида сейм парламент ваколатлари муддатини қисқартириш зарурлигини ҳам эътироф қилади. 1991 йилнинг биринчи квартали охирларида уни тарқатиб юбориш муддати тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин, деган фикр билдирилади.

Қарорда таъкидланишича, сейм мамлакатда рўй берган ва давлат олий ҳокимият органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув идораларини қайта ташкил этиш юзасидан муҳим қонунлар қабул қилинганлиги билан боғлиқ сиёсий ўзгаришлар ва система ўзгаришларини муҳокама қилиб, иқтисодий ўзгаришлар юзасидан қарорлар қабул қилган. Давра суҳбати аҳдлашувларида қатнашган икки партиянинг тарқатиб юборилиши ва кўплаб янги сиёсий гуруҳларнинг юзага келиши муносабати билан рўй берган ўзгаришлар ҳам ҳисобга олинди.

